

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Яхшиликка Интилиб Фарғона» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Нишонов иккинчи томондан “Ўзбекистон тумани ҳалқ таълими бўлими тасаррӯфидаги 2-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” обьектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар кўлланилади:

Ижро хужжатлари; қурилиш майдони, вактинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш (ишларни бажриш ва молиялаштириш жадваллари).

2. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартномага асосан “Ўзбекистон тумани ҳалқ таълими бўлими тасаррӯфидаги 2-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” обьектида лойиҳа-сметада белгиланган ишларини бажриш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажриш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-170050 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 11 ноябрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиги ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **946 702 956** (тўккиз юз кирк олти миллион етти юз икки минг тўқкиз юз эллик олти) сўмни ва обьектда ишларни бажарилиши **55** кунни ташкил этади ҳамда обьект **2022 йил “ ” 31.12.** куни фойдаланишга топширилади.

4. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажриш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда обьектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

5. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун обьектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **284 010 886** (икки юз саксон тўрт миллион ўн минг саккиз юз саксон олти) сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажартилиб, объектнинг маҳсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% микдорида амалга оширилади. Бюджетдан маблаг ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширмаганлиги учун мулкий жавобгар бўлмайди.

7. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари ва ҳукумат карори кабул қилиниши натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги холларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлади;

9.2 Пудратчи:-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-ложиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиха ҳужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф килишини;

-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

9.3. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектини қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объекtdan фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган заар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибда “Инсофсиз ижрочилиарнинг ягона реестри”га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳукукидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судларга мурожаат килишини истисно этмайди.

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун ҳужжатларida ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг маҳсус ҳисоб ракамига маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганлиги ва

шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи микдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.5 Вилоят ҳокимининг объектга маблаг ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун объектнинг маҳсус хисоб рақамларига вилоят молия бошқармасидан маблаг келиб тушмаганлиги учун буюртмачи тўловларни амалга оширолмагандан пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар қонун хужжатларидан белгиланган тартибида Фарғона туманлараро иктисадий суди томонидан кўриб чикилади.

11.2. Буюртмачи бюджет маблаги олувчиси бўлганлиги сабабли, вилоят молия бошқармасидан объектнинг Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига ўз вақтида маблаг ажратилмаганлиги учун вилоят Молия бошқармаси жавобгар ҳисобланади ва низоли ҳолатларда судга жавобгар сифатида жалб қилинади.

11.3. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

штх: 4012286030230203210002038.

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: FARG'ONА Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 204 816 919

Рахбар: X.A.Долимов

“Пудратчи”

«Яхшиликка Интилиб Фарғона» ХК

Манзил: Фарғона шаҳар, Фаробий кўчаси 9/3 уй,

12 хонадон

х/р: 20208000505019326001

Банк номи: “Ун普遍bank” Фарғона бўлими

МФО: 01131 СТИР: 302487033

Рахбар: А.Нишонов

М.У.



Хуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсультант _____ М.М.Маматкулов


ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ на 2022 год

О'zbekiston tumanı xalk ta'limi bultimi tasarrufidagi 2-sonli umumtalim maktab binosini joriy ta'mirlash.

№	Наименование работ	Стоимость работ				ноябрь	декабрь
		по договору	июль	август	сентябрь		
1	ОБЩЕРЕМОНТНЫЕ РАБОТЫ	946 702 956	-	-	-	284 010 887	662 692 069
	ИТОГО:	946 702 956	-	-	-	284 010 887	662 692 069



"Подрядчик"



"Заказчик"